



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST  
SPECIAL ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2022

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Қариши давлат университети

**Махкамova Надира Раҳмановна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Санкт-Петербург Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмудалиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Алнева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Сайнова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Ўзбекистон Миллий университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
Тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон  
тиллари университети

## МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

<b>1. Раҳбархон Муртазаева</b> ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ.....	6
<b>2. Дилором Бобожонова</b> ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ.....	17
<b>3. Баҳодир Эшов</b> ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАҲЛИЛЛАРИ.....	26
<b>4. Зумрад Раҳмонкулова</b> МАҲМУД АМИН АФАНДИ “ИСТАНБУЛДАН ЎРТА ОСИЁГА САЁҲАТ”.....	34
<b>5. Манзура Аминова</b> ИБН ХОЛДУН ИЛМИЙ МЕРОСИНING ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ.....	41
<b>6. Тўлқин Ахмедов</b> ТУРКИСТОНДА БИРИНЧИ РУС-ТУЗЕМ МАКТАБИ: МАЪМУРИЙ ЭҲТИЁЖ ЁКИ МАДАНИЙ ЯҚИНЛАШУВ ЗАРУРИЯТИ?.....	48
<b>7. Мансур Бойсариев</b> ОЗАРБАЙЖОН ДИАСПОРАСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	56
<b>8. Фируза Жуманиязова</b> ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТДАГИ ФАОЛЛИГИНИНГ ДАВРИЙ НАШРЛАРДА АКС ЭТТИРИЛИШИ (1941–1945 йиллар).....	64
<b>9. Мухаммаджон Исамиддинов</b> АНТИК ДАВР ЁЗМА МАНБАЛАРИДА САМАРҚАНД ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ.....	70
<b>10. Бахыт Кошанов, Хакимбай Отегенов, Гулчехра Ержанова</b> ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ.....	79
<b>11. Shohruhbek Mamadaliyev</b> TURKISTON SHAHARALARIDA OCHLARGA YORDAM KOMISSIYASI FAOLIYATI TARIXIDAN.....	87
<b>12. Gulnora Maxkamova</b> XX ASR SAMARQAND KASHTALARI: XILLARI, USLUBLARI, ORNAMENT REPERTUARI (SAMARQAND DAVLAT MUZEYI NAMUNALARI MISOLIDA).....	93
<b>13. Уктамжон Мансуров</b> VI – XI АСРЛАР СУҒД ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ.....	100
<b>14. Шоназар Матякубов</b> XVI- XVIII- АСРЛАРДА ХИВА ХОНЛИГИ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ АСОСИЙ СОҲАЛАРИДАН БИРИ-КУЛОЛЧИЛИК ТУРИ ТАВСИФЛАРИ.....	105

<b>15. Отабек Махмудов</b> «МИЛЛИЙ ТАРИХ» ВА «ТАРИХ ТАЪЛИМИ»ДА «ЖАҲОН ТАРИХИ»НИНГ АҲАМИЯТИ (лотин тилли тарихий манбалар ва замонавий ўзбек илмий адабиётининг қиёсий таҳлили медиєвистик талқинда).....	109
<b>16. Sayyora Mirsoatova, Aхrorbek Muxsidinov</b> O‘ZBEKISTONDA MEZOLIT DAVRI YODGORLIKLARINING O‘RGANILISHI HAQIDA.....	122
<b>17. Зухра Ражабова</b> ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ СИЙМОСИННИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ.....	128
<b>18. Мафтуна Рузикулова</b> ФАРҶОНА ВОДИЙСИНИНГ МЕЛИОРАЦИЯ ВА ИРРИГАЦИЯ ИШЛАРИ ТАРИХИДАН (1950 – 1970).....	134
<b>19. Хасанбой Рахматиллаев</b> ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА.....	139
<b>20. Lutfiya Salomova</b> AVSTRALIYA MILLIY ARXIVI FAOLIYATI HAQIDA.....	144
<b>21. Наргиза Сейтимбетова</b> ҚОРАҚАЛПОҶИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗИ.....	148
<b>22. Shaxnoza Tursunova</b> O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING BENILYUKS DAVLATLARI BILAN XALQARO MUNOSABATLARINI RETROSPEKTIV TAHLILINING AYRIM JIHATLARI.....	156
<b>23. Икромжон Умаров</b> КЎҲИТАНГТОҶ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ ҲУДУД БЎЙЛАБ ЖОЙЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ.....	161
<b>24. Ма’мура Umarxodjayeva, Zilola Shodmonxo`jayeva, Nodira Xasanova</b> O‘ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYINING NOYOB XAZINASIDAN.....	174
<b>25. Санъат Худайбергaнов</b> ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	178
<b>26. Ҳабиба Ҳасанова</b> 1917-1924 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА БОСМАХОНАЛАРНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	186
<b>27. Ра’но Qodirova</b> 1936-1937 YILLARDA O'ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA TARIX FANINING O‘RGANILISHI (M.Asimov hisobot materiallari asosida).....	192


<b>28. Қосим Қосимов</b> ШАРҚИЙ БУХОРОДА ҚИЗИЛ АРМИЯГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ.....	196
<b>29. Ислом Қаршиев</b> МУТАФАККИР СЎФИ ОЛЛОЁР ҚАРАШЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ ҒОЯЛАР ТАҲЛИЛИ.....	203
<b>30. Гулжаҳон Шайдуллаева</b> ХАРАППА МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИДАН ТОПИЛГАН ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ХОС БЎЛГАН МОДДИЙ МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИДА МАДАНИЙ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ.....	209
<b>31. Fotima Shirinova, Zumrad Kosimova</b> XX ASRNING 20-30-YILLARIDA SOVET HOKIMIYATINING O'ZBEKISTONDA YURITGAN SIYOSATI, UNING MONIYATI VA OQIBATLARI. SIYOSIY QATAG'ONLIK.....	222
<b>32. Юлдаш Юлдашев</b> ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ АРХИВИ 555-ФОНДИНИНГ АРХИВ МАНБАШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	230
<b>33. Акмал Якубов</b> ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ТАШҚИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ (Дашти қипчоқ мисолида).....	237
<b>34. Акмал Якубов</b> ХИВА ХОНЛИГИ ВА ҚОЗОҚ ЖУЗЛАРИ (ўтроқ ва кўчманчилар ўзаро алоқларининг негизлари).....	246
<b>35. Лазизахон Алиджанова</b> ДИНИЙ ТАЪЛИМОТЛАРДА ТИББИЁТГА ОИД ИЖТИМОИЙ ҚОИДАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	256
<b>36. Дилрабо Қурбанова</b> ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК СИЁСАТИ.....	264
<b>37. Камола Саипова</b> УРУШ ДАВРИДАГИ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БАҒРИКЕНГЛИК КЎРСАТИШИ.....	274
<b>38. Аҳадулла Рахматуллаев</b> ТУРКИСТОНДАГИ МАҲАЛЛИЙ ЎЛКАШУНОС ВА КОЛЛЕКЦИОНЕРЛАР ФАОЛИЯТИ.....	280
<b>39. Азамат Ктайбеков</b> ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР (2000-2016).....	288
<b>40. Гулнора Худойберганава</b> “АСКЕТИЗМ” ТУШУНЧАСИ ВА ДИНЛАРДА АСКЕТИК АМАЛИЁТЛАРГА МУНОСАБАТНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	293



Юлдаш Хандурдиевич Юлдашев,  
таянч докторант, Хоразм Маъмун академияси

### ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ АРХИВИ 555-ФОНДИНИНГ АРХИВ МАНБАШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ

**For citation:** Yuldash H. Yuldashev, ANALYSIS OF ARCHIVAL HISTORIOGRAPHY 555- OF THE STATE ARCHIVE OF THE KHORAZM REGION. Look to the past. 2022, Special issue 3, pp.230-236

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7485360>

#### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Хоразм вилояти давлат архивининг 555-фондида сақланаётган Ўзбекистонда, шу жумладан Хоразм вилоятида архив ишининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари ҳақида муҳим маълумотлар берувчи ҳужжатларнинг архив манбашунослиги таҳлили қилинган. Шунингдек, Хива хонлиги даври ҳамда Хоразм Халқ Совет Республикаси даврига оид ҳужжатларнинг сақланиши, вилоятда ҳудудлардаги архив бўлимларини очилиши билан боғлиқ маълумотлар ҳам ўз ифодасини топган. Мақолада кўриб чиқиладиган фонддаги йиғма жилдларнинг тартиблари ва уларда акс этган маълумотлар шарҳи ўрин олган.

**Калит сўзлар.** Архив, фонд, рўйхат, сақлов бирлиги, иш режаси, ёзишма, маъруза, маълумотнома, шарҳ.

---

Юлдаш Хандурдиевич Юлдашев,  
Хорезмская академия Маъмун,  
базовый докторант

### АНАЛИЗ АРХИВНОЙ ИСТОРИОГРАФИИ 555- ФОНДА ГОСУДАРСТВЕННОГО АРХИВА ХОРАЗМСКОЙ ОБЛАСТИ

#### АННОТАЦИЯ

В данной статье проводится анализ архивного источниковедения документов, дающих важные сведения о процессах становления и развития архивного дела в Узбекистане, в том числе и в Хорезмской области, хранящихся в фонде 555 государственного архива Хорезмской области. Также представлена информация, связанная с сохранением документов, относящихся к периоду Хивинского ханства и Хорезмской Народной Советской Республики и открытием в регионе локальных архивных отделов. Статья содержит обзор процедур составления сводных томов в рассматриваемом фонде и отражаемой в них информации.

**Ключевые слова:** Архив, фонд, опись, единица хранения, план работы, переписка, доклад, справка, обзор

---

Yuldash H. Yuldashev,  
Khorezm Academy of Mamun,

## ANALYSIS OF ARCHIVAL HISTORIOGRAPHY 555- OF THE STATE ARCHIVE OF THE KHORAZM REGION

### ABSTRACT

This article analyzes archival source studies of documents that provide important information about the processes of formation and development of archival work in Uzbekistan, including Khorezm region, stored in fund 555 of the state archive of Khorezm region. Also, information related to the preservation of documents related to the period of the Khiva Khanate and the Khorezm People's Soviet Republic, and the opening of regional archive departments in the region, is also presented. The article contains a review of the procedures of the collectivism of volumes in the considered fund and the information reflected in them.

**Index Terms:** Archive, fund, list, storage unit, work plan, correspondence, report, reference, review.

### Кириш.

Ўзбекистон Республикасида архивлар фаолиятини такомиллаштириш мустақиллик йилларида давлат сиёсати даражасига кўтарилган муҳим вазифалардан бирига айланди. Мазкур соҳани янада ривожлантириш ҳозирги даврда ҳам долзарб вазифалар сифатида кун тартибда турган муҳим йўналишлардан биридир[1].

“Архив – тарих кўзгуси” деб бежизга айтилмаган. Хужжат тарих ҳақиқати учун асосли манба ва далил бўла олади. Бир парча қоғоз маълум бир давр тарихини ёритиб, инкор қилиб бўлмайдиган маълумотларни беради[6, 199].

Собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистонда шу жумладан, Хоразм вилоятида ташкил қилинган давлат архивларининг илк йиллардаги фаолияти қандай бўлгани, архив ишининг шаклланиш жараёнлари, ушбу жараёнда юзага келган муаммо ва қийинчиликлар, йўл кўйилган камчиликлар ва эришилган ютуқларни таҳлил қилиш, тарихий сабоқ олиш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда ҳудудларда архив органларининг пайдо бўлиши 1924 йилда ўтказилган миллий давлат чегараланиши ва Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши билан боғлиқдир. 1925 йилнинг охирида Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Зарафшон вилоятлари ва 1926 йилда Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида архив бюрolari ташкил этилди[2, 12]. 1927 йилдан област архив бюрolari округ архив бюрolari деб атала бошланди.

Архив муассасаларининг биринчи галдаги вазифаси миллий чегараланиш натижасида тугатилган барча идоралар хужжатларини йиғиб олиб сақловга қабул қилишдан иборат эди. Хоразмда ташкил этилган архив бюроси ҳам дархол ишга киришиб, 2 штат бирлик ҳодим билан биринчи йилдаёқ 21 та фондга 1178 сақлов бирлигидаги хужжатлар қабул қилинган[3]. Бу хужжатлар ичида Хива хонлиги даврига оид ҳамда Хоразм Халқ Совет Республикаси даврига оид хужжатлар ҳам жамланган бўлиб, бу даврга оид хужжатлар ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Миллий архивига ўтказилган.

1932 йилда Ўзбекистон Марказий архив бошқармасининг Янги Урганч бўлими ташкил этилди. ЎзССР Марказий Ижроия Кўмитасининг 1935 йил 21 декабрдаги қарори билан районларда ҳам архив муассасалари ташкил этилди. 1938 йил 15 январда Хоразм округи областга айлантирилиши муносабати билан вилоят архиви ўз ишини бошлади[7, 167].

СССР Олий Совет Раёсатининг 1938 йил 16 апрелдаги фармонида асосан архив муассасалари, шу жумладан Хоразм вилоят архиви Ички Ишлар Вазирлиги тасарруфига ўтди. Марказий архив бошқармаси эса вазирликнинг бўлимига айлантирилди. 1961 йил 17 июндан бошлаб вилоят архиви ижроия кўмитанинг бўлимига айлантирилди.

Совет даврида давлат архивларида илмий ҳодимлар фаолият олиб борди. Илмий ҳодимлар архив хужжатларига мавзули каталоглар тузиш, илмий тадқиқот масалаларига оид ёзишмалар ижросини таъминлаш, тадқиқотчилар билан шуғулланиш ва фаолиятдаги бошқа илмий ишларда фаол иштирок қилдилар.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг совет даврига оид тарихини холисона ўрганишда давлат архивлари сақловидаги ҳужжатларнинг ўрни катта. Шу билан бирга, бугунги кун тарихини ҳужжатларда муҳрлаш учун келажак авлодга бой тарихий меросни қолдириш давлат архивларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Шундай экан, бугунги кунда ҳам давлат архивларида илмий ҳодимлар фаол иш фаолиятини олиб бориши зарурати яққол намоён бўлади. Давлат архивлари сақловидаги фондларнинг мазмун-моҳиятини очиш, қайси фонддан қандай мақсадларда фойдаланиш бўйича тизимли маълумотлар базаларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Ўзбекистонда узок тарихга эга бўлган архив муассасалари бугунги кунда замонавий илм-фан тараққиётида муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, архивлар давлат ва жамият фаолиятига оид турли хил ҳужжатли ахборотларни мужассамлаштирган муассаса сифатида тарих фанининг ўзига хос “лабораторияси” саналади. Мамлакатимизда улкан тарихий мерос ҳисобланган архивлар фаолиятига оид изланишлар санокли бўлиб, энг кам ўрганилган соҳалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда архив ишини ривожланиш тарихини ўрганишда П.П.Иванов, М.Й.Йўлдошев, Г.С.Тилеукулов, И.Алимов, В.Мофе, Д.Алимова, В.Германов, М.С.Исакованинг тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, М.С.Исакованинг “XIX аср охири – XXI аср бошларида Ўзбекистонда архив ишининг шаклланиши ва ривожланиши” мавзусидаги илмий тадқиқот иши ҳамда қатор илмий мақолаларида мамлакатимизда архив амалиёти, совет даври ва мустақиллик йилларида архив муассасаларининг фаолияти чуқур таҳлил қилинган[4].

Хоразмда архив иши ривожланиш тарихига оид ишлар орасида Рўздат Ёқубовнинг “Хоразм вилояти архивига 70 йил” номли рисоласи муҳим аҳамият касб этади. Унда тарихимиз ва тақдиримизга дахлдор бўлган айрим ҳужжатларнинг қисқача шарҳи берилган[5]. Шунингдек, И.С.Худайбергеновнинг “Совет Иттифоқи даврида Хоразмда архивларнинг илк йиллардаги фаолияти ва илк раҳбарлар” мавзусидаги[6], Р.И.Матрасуловнинг “Хоразмда архив тарихи” мавзусидаги мақолаларида қимматли маълумотлар келтирилган [7].

**Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Тадқиқотда тарихий-таққослаш, тизимлаштириш, холислик тамойиллари, статистик тадқиқот усулларида фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Хоразм вилояти давлат архивида воҳада архив ишининг ривожланиш жараёнлари ҳақида муҳим маълумотлар берувчи ҳужжатлар сақланмоқда. Мазкур ҳужжатлар Хоразм вилоятида архив ишининг шаклланиши ва ривожланиши тарихига доир муҳим манбалар ҳисобланади. Ушбу муҳим маълумотлар мавжуд ҳужжатларни ўзида мужассамлаштирган архив жамғармаларидан бири – “555-рақамли фонд” ҳисобланади. Ушбу фонд 1934 йилдан 1991 йилгача бўлган даврий чегарани қамраб олувчи Хоразм вилояти архив тизимидаги муассасалар (Ново-Ургенчское отделение ЦАУ Уз ССР 21.12.1935 – 1938 г.г. Хорезмский окружной архив 1938-1965 г.г. Государственный архив при облисполкоме 22.04.1965 г. Архивный отдел Хорезмского облисполкома)га тегишли бўлган доимий сақлаш учун мўлжалланган ҳужжатли материаллардан иборат [8].

Ушбу фонд 2 та рўйхат (опись) таркибига киритилган доимий сақланадиган ҳужжатлардан иборат 687 та ва шахсий таркиб ҳужжатларидан иборат 67 та йиғма жилдни ўзида жамлаб олган бўлиб, сақлов бирликлари рўйхатлари Архив бошқармасининг эксперт текшируви комиссиясида тасдиқланган. Фонддаги сақлов бирликлари тартиб рақамлари билан белгиланган. Масалан, дастлабки 10 та сақлов бирлиги ҳужжатлари 1934 – 1940 йилларга оид бўлиб, уларда архив бошқарувини ташкил этиш бўйича ҳужжатлар, архив қурилиши бўйича раҳбарий ҳужжатлар, режалар, ҳисоботлар, ёзишмалар, штатлар, смета ҳисоб-китоблари, маълумотнома нусхалари, бошқарув кўрсатмалари, СССР Ички Ишлар Вазирлиги Бош архив бошқармаси ва ЎзССР архив бошқармасининг ташкилий-услубий ва бошқа масалалар бўйича бошқарув материаллари акс этган[9].

Фонднинг биринчи рўйхатида сақлов бирликлари №11-19 тартиб рақамлари билан белгиланган ҳужжатлар жамланмалари 9 та (папкада) йиғма жилддан иборат бўлиб, 1941 –

1945 йиллар даврий чегарасини қамраб олади. Ушбу сақлов бирликларида жами 1368 варақдан иборат бўлган материаллар жамланган[10].

Хоразм вилоятида 1946 – 1950 йиллардаги архив ишига оид ҳужжатлар эса юқоридаги фонднинг биринчи рўйхатига тегишли 28 та сақлов бирликларида жамланган бўлиб, №20 дан №47 гача бўлган тартиб рақамлари билан белгиланган. Шу тариқа 1991 йилгача бўлган хронологик даврда архив тизимининг ҳолати, архив муассасаларининг фаолиятига оид муҳим маълумотларни берувчи ҳужжатлар архив сақловига олинди, тизимлаштирилган.

Ушбу ҳужжатларни архив манбашунослиги нуқтаи назаридан таҳлил қиладиган бўлсак, Хоразм вилояти давлат архивидаги 555-рақамли фондда сақланаётган ҳужжатларнинг мазмуни ва характеридан келиб чиққан ҳолда уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Архив муассасаларининг асосий йўналишлари бўйича Ҳукумат қарорлари, шунингдек Хоразмда архив бошқарувини ташкил этиш бўйича дастлабки ҳужжатлар.

Ушбу ҳужжатлар жами 48 варақдан иборат бўлиб, фонддаги биринчи рақамли сақлов бирлигида жамланган. №1 йиғма жилд 1934 йил 10 ноябрдан 1934 йил 30 декабргача бўлган даврга тегишли маълумотларни ўз ичига олади. Ушбу йиғма жилдда Архив бошқармаси бошлигининг марказий Архив бошқармаси раҳбарлари билан ёзишмалари, Марказий Архивдан келган топшириқлар, шу ердан келган жавоб хатларини кўришимиз мумкин [11].

Бу даврда Архив Янги Урганчда жойлашган. ЎзССР Марказий Архив бошқармаси (МАБ)дан келган топшириқ ва хатлар билан танишиб чиқадиган бўлсак, Архивни молия ва кредит масалалари борасида ЎзССР МАБ бошлиғи Сухоплюевни қисқа вақт ичида бу масалани ечиб доклад қилиши кераклиги борасида топшириқлари тўғрисида маълумотлар бор.

Шунингдек, ишда ўша йилдаги ҳудуд архив бошқармаси бошлиғи сўровига асосан бошланган таъмирлаш ишлари бориши тўғрисида маълумотлар сўралган.

МАБ архив ишчи ходимлари мажбуриятлари, ишчи штатлари масалалари, бажарилиши керак бўлган режалар борасида топшириқлар берган. Шунингдек, 1934 – 1935 йилларда қабул қилиниши керак бўлган архив ҳужжатлари тўғрисида режалар белгилаб олинган.

2. СССР Бош архив бошқармаси ва ЎзССР Архив бошқармасининг 1935-1940 йилларда ташкилий ва методик масалалар бўйича буйруқлари ва айланма ҳужжатлари.

Мазкур йўналишдаги ҳужжатлар №2 (276 варақ), №3 (178 варақ), №4 (69 варақ), №9 (328 варақ) йиғма жилдларда жамланган. Жумладан, фонддаги иккинчи рақамли сақлов бирлиги (жами 276 варақ) 1935 йил 1 январдан 1935 йил 30 декабргача бўлган даврни ўз ичига олади. Йиғма жилднинг бошида 1934 йил Архив биносидаги бошланган таъмирлаш ишлари тугаганлиги ҳақида ЎзССР архив бошқармасига юборилган ҳисобот ва унга кетган маблағлар, таъмирлаш жараёнига тааллуқли бошқа маълумотлар келтирилган. Шу даврда Хоразм округ архив бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаган Гаврилин айрим идора ташкилотларда Архив ўз фаолиятини тўғри йўлга қўймаганлиги сабабли шаҳар прокурорига хат чиқаргани ва шу масалада ёрдам сўрагани, ЎзССР МАБ ҳисобчиси билан ойлик сметалари ҳақида ёзишмалар (Буряков), МАБнинг 1935 йилги тузилган шартнома асосида барча ҳудуд бўлимларига туширилган топшириқлари, МАБ бошлиғи (Сухоплюев) Янги Урганч бошқарма бошлиғига телефон ўрнатиш, штамп ва печат ясатишга рухсат берганлиги, бунга 718 рубл ажратилгани, шунингдек, бошқа ташкилотлар билан (масалан, Хоразм вилояти ер бўлими билан ёзишмалар, Украина ССРни Днепропетровск партия комитети билан телеграмма алмашинуви ва бошқалар) олиб борилган ёзишмалар акс этган[12].

3. СССР Ички Ишлар вазирлиги Бош архив бошқармаси ва ЎзССР Ички Ишлар вазирлиги Архив бошқармасининг 1940 – 1959 йилларда ташкилий ва методик масалалар бўйича бошқарув ҳужжатлари. Мазкур йўналишдаги ҳужжатлар №8 (94 варақ), №31 (17 варақ), №73 (15 варақ), №86 (197 варақ), №107 (211 варақ) йиғма жилдларда жамланган.

4. ЎзССР Архив бошқармасининг 1960 – 1991 йилларда ташкилий ва методик масалалар бўйича буйруқлари ва айланма ҳужжатлари. Мазкур йўналишдаги ҳужжатлар №159 (27 варақ), №160 (186 варақ), №175 (9 варақ), №358 (249 варақ), №359 (95 варақ), №360 (125 варақ), №361 (103 варақ), №365 (171 варақ), №430 (42 варақ) йиғма жилдларда жамланган.

5. Давлат ҳокимияти органлари ва бошқармалар, ташкилотлар, корхоналардан архив фондларини қабул қилиш ва ҳужжатларни сақлашни таъминлаш учун зарур шароитларни яратиш юзасидан 1961 – 1991 йилларга оид Министрлар Советининг қарорлари, вилоят ижроқўм бошқарув ҳужжатлари. Мазкур йўналишдаги ҳужжатлар №113 (449 варақ), №124 (26 варақ), №125 (288 варақ), №131 (3 варақ), №175 (9 варақ), №194 (9 варақ) каби йиғма жилдларда жамланган.

6. Архив тизимида 1939 – 1991 йилларда молиявий масалалар бўйича смета ҳаражатлари, штатлар жадвалларига оид ҳужжатли материаллар. Мазкур йўналишдаги ҳужжатлар №7 (442 варақ), №71 (237 варақ), №120 (62 варақ), №333 (276 варақ), №417 (75 варақ), №418 (141 варақ), №419 (91 варақ), №420 (218 варақ), №437 (30 варақ) каби йиғма жилдларда жамланган.

7. 1936 – 1991 йилларда асосий фаолият бўйича иш режалари. Мазкур йўналишдаги ҳужжатлар №2 (276 варақ), №3(170 варақ), №5 (230 варақ), №21 (417 варақ), №26 (65 варақ), №53 (21 варақ), №91 (55 варақ), №128 (23 варақ), №163 (31 варақ), №302 (20 варақ), №328 (70 варақ), №433 (42 варақ), №438 (47 варақ) каби йиғма жилдларда жамланган.

8. 1939 – 1991 йилларда Хоразм вилояти архив бошқармасининг ҳужжатларни қабул қилиш, улардан фойдаланиш ва сақланишини таъминлаш режаларини бажарилиши бўйича статистик ва ёзма ҳисоботлар. Мазкур йўналишдаги ҳужжатлар №7 (442 варақ), №9 (328 варақ), №21 (417 варақ), №26 (65 варақ), №32 (88 варақ), №254 (53 варақ), №294 (75 варақ), №295 (50 варақ), №318 (65 варақ), №437 (30 варақ), №439 (148 варақ) йиғма жилдларда жамланган.

9. 1950 – 1991 йилларда архив ҳужжатларидан маданиятни, иқтисодиётни ривожланиш тарихи бўйича илмий мақсадларда, халқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш масалалари юзасидан ёзишмалар. Мазкур йўналишдаги ҳужжатлар №38 (364 варақ), №45 (15 варақ), №87 (173 варақ), №192 (79 варақ), №218 (14 варақ) йиғма жилдларда жамланган.

10. 1951 – 1991 йилларда вилоят архив муассасаларининг фаолияти юзасидан ёзишмалар, маърузалар, маълумотномалар, шарҳлар. Мазкур йўналишдаги ҳужжатлар №52 (36 варақ), №100 (26 варақ), №260 (9 варақ), №284 (27 варақ), №289 (59 варақ), №431 (290 варақ) ва бошқа йиғма жилдларда жамланган.

11. Хоразм вилояти давлат архиви эксперт текширув комиссиясининг 1948 – 1991 йилларга оид материаллари. Мазкур йўналишдаги ҳужжатлар орасида фонднинг 1а рўйхатида №1 дан №80гача бўлган тартиб рақамли 80 та йиғма жилдларда 1948 – 1979 йилларга оид маълумотлар жамланган бўлса, 1а рўйхатнинг иккинчи қисмида жами 171 та сақлов бирлигидаги ҳужжатлар 1980 – 1992 йилларга оид бўлиб, ушбу йиғма жилдлар №81дан №171 гача бўлган тартибда рақамлаштирилган. Жумладан, фонднинг 1а рўйхатида №1 рақамли сақлов бирлигида (жами 167 варақ) Вилоят давлат архиви эксперт текширув комиссиясининг 1948 – 1965 йилларга оид материаллари акс этган.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, совет даврида халқ хўжалигининг барча соҳалари сингари архив тизимида ҳам беш йиллик режалаштириш сиёсати амалга ошириб келинган. Масалан, вилоят давлат архиви сақловидаги 19711 – 975 йилларда Хоразм вилоятида архив ишини ташкил қилиш юзасидан иш режалари ҳамда уларнинг ижроси бўйича материаллар сақланаётган йиғма жилдларда (№278 – №292, №398, №399 ва бошқалар) Хоразм вилоятида архив ишини ривожлантириш бўйича асосий тадбирлар режаси[13]; Хоразм вилоятида архив ишини ривожлантиришнинг тўққизинчи беш йиллик чора-тадбирлари ижроси юзасидан ҳисобот[14]; вилоят архив муассасаларининг фаолияти ҳақида ҳисоботлар; СССР БАБ ва ЎзССР Вазирлар кенгаши ҳузуридаги архив бошқармаси буйруқлари, кўрсатмалари ва қўлланмалари; иш юритиш ва идоравий архивларни назорат қилиш бўйича юқори ташкилотларнинг кўрсатмалари ва йўриқномалари; филиаллар иш режаси ва иш фаолиятидаги асосий кўрсаткичлар; юқори ташкилотларнинг кўрсатмалари ва йўриқномалари ва ҳужжатли материалларни экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш бўйича ёзишмалар; материаллар, ҳисоботлар, режалар, маълумотномалар, маърузалар ва хўжалик ҳисобидаги гуруҳ иши бўйича ёзишмалар; Хоразм вилоятида архив муассасалари фаолиятини текшириш натижалари

тўғрисида маълумотнома; идоровий архивларида ҳужжатли материалларнинг мавжудлиги ва ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, идоровий архивлар иши бўйича маълумотномалар ва ҳисобот маълумотлари; ҳужжатли материаллардан фойдаланиш бўйича материаллар, ҳисоботлар, маълумотномалар, шарҳлар, мақолалар ва бошқалар жамланган.

Фонднинг №279, №318, №319, №328, №331, №376 – №378 каби йиғма жилдларда 1976 – 1980 йилларда Хоразм вилоятида архив ишини ривожлантириш режалари ва уларнинг ижроси юзасидан материаллар акс этган бўлса, №380, №390, №403 – 410 каби йиғма жилдларда 1981 – 1985 йилларда архив ишини ривожлантириш иш режалари ва уларнинг ижроси юзасидан ҳисоботлар жамланган.

1986 – 1990 йилларда Хоразм вилоятида архив ишини ривожлантириш режалари ва уларнинг ижроси юзасидан материаллар сақланаётган йиғма жилдларга №387, №389, №391, №401, №412, №415, №416, №426 сақлов бирликлари киради. Ушбу ҳужжатларда 1986-1990 йилдан ва 2000 йилгача бўлган давр ичида архив иши ривожланишининг асосий йўналишлари[15], вилоятда архив ишини ривожлантиришнинг 5 йиллик режаси, давлат архиви филиалларининг иш режалари ва ҳисоботлари, архив муассасаларининг чораклик ва йиллик ҳисоботлари акс этган.

Фонднинг №429 сақлов бирлигида 1987 – 1992 йилларда Давлат архиви директори доклади ва Хоразм вилояти архив бўлими ишлари ҳолатини текшириш маълумотномалари жамланган[16].

**Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).** Собиқ иттифоқ даврида архив соҳасида Ўзбекистонда, шу жумладан Хоразм вилоятида амалга оширилган ишларда эришилган ютуқлар қаторида ўзига хос муаммо ва камчиликлар ҳам кузатилади. Бу даврда қилинган энг катта иш – ҳужжатларнинг ташкилотлардан йиғиб олинганлиги бўлди. Бу бебаҳо ҳужжатларни сифатли сақлаш, илмий-техник ишлов бериш, рўйхатларини такомиллаштириш, қайта фондлаштириш, илмий-тадқиқот мақсадларда фойдаланиш маълум вақт ўтгандан кейин ҳам амалга оширилиши имкониятини бермоқда.

Бу каби архив ҳужжатларини таҳлил қилиш орқали ўтган асрда воҳада архив ишининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнларини чуқур ўрганиш мумкин. Ўз навбатида Хоразм вилоятида архив ишини ривожланиш тарихини тадқиқ этиш мамлакатимиз, шу жумладан Хоразм тарихининг турли аспектларини ўрганиш учун ҳам асос бўлади.

## Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5834-сонли Фармони (www.lex.uz Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated September 20, 2019 No. PF-5834 “On measures to improve archival work and administration in the Republic of Uzbekistan” (www.lex.uz).
2. Алимов И., Эргашев Ф., Бўтаев А. Архившунослик. Тошкент: Шарқ, 1997. (Alimov I., Ergashev F., Botaev A. Archival science. Tashkent: Sharq, 1997.)
3. Хоразм вилояти Архив иши худудий бошқармасининг 2016 йил 18 июль № 01-08/345-сонли хати. (Letter No. 01-08/345 dated July 18, 2016 of the Khorezm Regional Archive Department.)
4. Исакова М.С. “XIX аср охири – XXI аср бошларида Ўзбекистонда архив ишининг шаклланиши ва ривожланиши. АДД, Тошкент, 2017. – 66 б. (Isakova M.S. “The formation and development of archival work in Uzbekistan at the end of the 19th century - the beginning of the 21st century. DDA, Tashkent, 2017. - 66 p.)
5. Якубов Р. Хоразм вилояти архивига 70 йил. Урганч, 1996. 49 б. (Yakubov R. 70 years of Khorezm regional archive. Urganch, 1996. 49 p.)
6. Худайбергенов И.С. Совет Иттифоқи даврида Хоразмда архивларнинг илк йиллардаги фаолияти ва илк раҳбарлар // “Ўзбекистонда архив соҳаси ривожланиши истиқболлари ва илмий-амалий тадқиқотлар” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман

- мақолалари тўплами. Тошкент, 2020. –Б.199-203. (Khudaibergenov I.S. The first years of activities of archives in Khorezm region during the Soviet Union and the first leaders // Collection of articles of the Republican scientific and practical conference on the topic “Prospects of the development of the field of archives in Uzbekistan and scientific and empirical researches”. Tashkent, 2020. -B.199-203)
7. Матрасулов Р.И. Хоразмда архив тарихи// “Ўзбекистонда архив соҳаси ривожланиши истиқболлари ва илмий-амалий тадқиқотлар” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман мақолалари тўплами. Тошкент, 2020. -Б.167-170. (Matrasulov R.I. History of the archive in Khorezm// Collection of articles of the Republican scientific and practical conference on the topic “Prospects of development of the field of archives in Uzbekistan and scientific and empirical researches”. Tashkent, 2020. -B.167-170.)
  8. ХВДА. 555-фонд, 1-рўйхат, 1-йиғмажилд. (NAU, 555 fund, list 1, collection 1).
  9. ХВДА. 555-фонд, 1-рўйхат, 1-10-йиғмажилдлар. (NAU, 555 fund, list 1, collections 1-10).
  10. ХВДА. 555-фонд, 1-рўйхат, 11-19-йиғмажилдлар. (NAU, 555 fund, list 1, collections 11-19).
  11. ХВДА. 555-фонд, 1-рўйхат, 1-йиғмажилд, 1-48-варақлар. (NAU, 555 fund, list 1, collection 1, page 1-48).
  12. ХВДА. 555-фонд, 1-рўйхат, 2-йиғмажилд. (NAU, 555 fund, list 1, collection 2).
  13. ХВДА. 555-фонд, 1-рўйхат, 278-йиғмажилд, 1-6-варақлар. (NAU, 555 fund, list 1, collection 278, page 1-6).
  14. ХВДА. 555-фонд, 1-рўйхат, 279-йиғмажилд, 1-35-варақлар. (NAU, 555 fund, list 1, collection 279, page 1-35).
  15. ХВДА. 555-фонд, 1-рўйхат, 287-йиғмажилд, 1-63-варақлар. (NAU, 555 fund, list 1, collection 287, page 1-63).
  16. ХВДА. 555-фонд, 1-рўйхат, 429-йиғмажилд, 1-42-варақлар. (NAU, 555 fund, list 1, collection 429, page 1-42).

# ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST  
SPECIAL ISSUE 3

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000